



Legal liabilities applicable to infringements of intellectual property rights

Zafar RADJABOV¹

Higher School of Judges under the High Council of Judges of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 25 July 2023
Available online
15 August 2023

Keywords:

intellectual property,
administrative offense,
civil liability,
trademark,
copyright,
dispute.

ABSTRACT

The article covers theoretical and practical issues related to liability for violation of intellectual property rights, and ownership of creative thinking, which is becoming increasingly important today. In particular, the types and descriptions of administrative and criminal liability, as well as the features of civil liability and issues of practical application were analyzed. At the same time, relevant proposals were made to protect intellectual property, including the restoration of violated rights. In conclusion, conclusions are drawn about the need to ensure the protection of intellectual property rights in the digital environment in Uzbekistan, legal mechanisms, issues of the practical application of the norms of “international treaties”, and the role of organizations managing property rights on a collective basis.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp135-144>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланиладиган ҳуқуқий жавобгарлик турлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

интеллектуал мулк,
маъмурий ҳуқуқбузарлик,
фуқаровий жавобгарлик,
товар белгиси,
муаллифлик ҳуқуқи,
низоз.

Мақолада бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган ижодий тафаккур мулки, яъни интеллектуал мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ масалалар назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган. Хусусан, маъмурий ва жиноий жавобгарлик турлари ва тавсифи ҳамда фуқаровий жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари ва амалиётда уларни қўллаш масалалари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, интеллектуал мулк

¹ Listener, Higher School of Judges under the High Council of Judges of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: zafarradjabov10@gmail.com

ҳимоясига, шу жумладан, бузилган ҳуқуқларни тиклашга доир тегишли таклифлар берилди. Хулосада Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқларини рақамли муҳитда муҳофазасини таъминлаш зарурати, ҳуқуқий механизмлар, “халқаро шартномалар” нормаларини амалиётда қўллаш масалалари, бунда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг тутган ўрни ҳақида хулосалар қилинган.

Виды юридической ответственности, применимые к нарушениям прав интеллектуальной собственности

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:
интеллектуальная собственность, административное правонарушение, гражданско-правовая ответственность, товарный знак, авторское право, спор.

В статье освещены теоретические и практические вопросы, связанные с ответственностью за нарушение права интеллектуальной собственности, собственности на творческое мышление, которая приобретает сегодня все большее значение. В частности, были проанализированы виды и описание административной и уголовной ответственности, а также особенности гражданско-правовой ответственности и вопросы практического применения. При этом были внесены соответствующие предложения по защите интеллектуальной собственности, в том числе по восстановлению нарушенных прав. В заключении сделаны выводы о необходимости обеспечения защиты прав интеллектуальной собственности в цифровой среде в Узбекистане, правовых механизмах, вопросах практического применения норм «международных договоров», роли организаций, управляющих имущественными правами на коллективной основе.

Одатда ижодий фаолият инсон ақлий фаолиятининг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Айнан шу фаолият орқали янги ғоялар, янги технологиялар, янги бадий асарлар, оригинал ижролар вужудга келади ва фуқаролик муомаласига кириб боради [1].

“Мамлакатнинг инновацион ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этишида биринчи навбатда интеллектуал мулк объектларининг қай даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги муҳим ўрин тутаети” [2]. Ҳақиқатда ҳам бугунги кунда халқаро рейтинг ва индекслар ёки халқаро ташкилотлар ва алоҳида давлатлар томонидан юритиладиган ҳисоботларда (масалан, АҚШ Савдо вазирлигининг 301-Ҳисоботи) асосий урғу интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқбузарликларни қуйидагиларга, яъни *жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик* ҳамда *фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка* бўлишимиз мумкин.

Маъмурий жавобгарлик. Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки

эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни кўриб чиқмаганлик, патент беришни рад этиш, патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш, патентни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш, патентнинг амал қилишини тугатиш ёки интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни (шу жумладан мулкый ҳуқуқларни) тўлиқ ёки қисман ўзгаларга бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш каби низолар оммавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида келиб чиққан низо ҳисобланиб, маъмурий судларнинг судловига тааллуқли бўлади. Қоидага кўра, биламизки, агар низолашилаётган ҳужжат (ушбу ўринда патент ёки гувоҳнома) ваколатли орган томонидан қабул қилинган, ташқи субъект бўлган аниқ шахсларга йўналтирилган, ҳокимият ваколоти асосида қабул қилинган, ҳуқуқий оқибат юзага келтириб чиқарган ёки чиқариши мумкин бўлган бўлса, маъмурий ҳужжат ҳисобланади. Шунга кўра низолашилаётган ҳужжат қандай шаклда чиқарилган ёки номланганлигидан (патент, рухсатнома) қатъи назар маъмурий ҳужжат ҳисобланади ҳамда ариза предмети ушбу ҳужжатни бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топишга қаратилиши мумкин.

Интеллектуал мулк объекти эгасининг ҳуқуқлари маъмурий қонунчилик билан қатъий муҳофаза қилинади. Хусусан, бу Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 177-модда, 177¹-модда, 177²-моддаларида ўз ифодасини топган. Таъкидлаш лозимки, ушбу жавобгарлик чоралари миллий қонунчилигимизга 2019 йилда киритилган. Қуйидаги биз уларни интеллектуал мулк объектлари мисолида таҳлил қиламиз:

Товар белгиси. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-моддасига кўра, ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган [3].

Таъкидлаш лозимки, 2019 йилга қадар бўлган таҳрирдаги кодексда фақатгина интеллектуал мулк объектлари орасида айнан товар белгилари учун маъмурий жавобгарлик белгиланган эди. Янги таҳрирдаги ўзгартиришларда товар белгиси билан боғлиқ жиҳатлар батафсил берилган. Бу жиҳат Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни 26-моддаси нормаларига ҳам мос келади. Ушбу моддада қайси ҳолатларда товар белгисидан фойдаланиш унга бўлган ҳуқуқларни мутлақ бузилиши деб ҳисобланиши белгиланган.

“Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш

ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади” [4].

Шунингдек, эски таҳрирдаги нормада атамалар билан боғлиқ номувофиқликлар ҳам мавжуд эди.

“177-модда. Маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш

Бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар. Кодекснинг 177¹-моддасига кўра, асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг ўзига хос жиҳати жарима билан биргаликда унда “асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини, шунингдек уларни такрорлаш ҳамда тарқатиш учун фойдаланиладиган материаллар ва ускуналарни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролларини мусодара қилиш” ҳам белгиланган [5].

Саноат мулки объектлари. Ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик худди муаллифлик ҳуқуқи каби 2019 йилда илк маротаба Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилди. Унга кўра, патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул билан тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб турганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Юқоридаги норма худди товар белгиси каби мутлақ ҳуқуқлар билан боғлиқ диспозицияни ўзида акс эттирган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни 13-моддасига кўра, “тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш патент эгаси мутлақ ҳуқуқининг бузилиши деб эътироф этилади” [6].

Таъкидлаш лозимки, 2019 йилда муаллифлик ҳуқуқи ва патент ҳуқуқи объектлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги бу ЖСТнинг ТРИПС битимининг 2-боби талабларига ҳам мос тушади [7].

Жинойй жавобгарлик. Интеллектуал мулк ҳуқуқи манфаатдор шахсларнинг хусусий ҳуқуқларини ҳимоя қилади, жиноят қонуни эса оммавий ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади. Ҳозирги технологик замонда соҳадаги ҳуқуқбузарликлар, айниқса, қалбакилаштириш шаклидаги қонун бузилишлар оммавий манфаатларга таъсир қилиш эҳтимоли интеллектуал мулк ҳуқуқларининг мажбурийлигини таъминловчи жиноят ҳуқуқини қўллашни тақозо қилмоқда. Интеллектуал мулк ва жиноят ҳуқуқининг кесишиш нуқтаси мунозарали, лекин жуда аҳамиятли бўлиб қолмоқда, чунки бу хусусий ҳуқуқ соҳасининг бевосита оммавий ҳуқуқнинг императив характердаги воситалари билан тартибга солиниши бўлиб, шу туфайли қонун чиқарувчи орган мазкур тартибга солинишни аниқ чегаралаши лозимдир.

Шу ўринда интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузганлик учун Ўзбекистон жиноят қонунчилигида белгиланган жавобгарлик чораларини келтириб ўтиш лозим. Жиноят кодекси 149-моддасига биноан тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу моддага эътибор қаратсак, унда 2 та муҳим жиҳатни кўришимиз мумкин. *Биринчидан*, ундаги нормалар муаллифлик ҳуқуқи (ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш) ва патент ҳуқуқи (тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш)га дахлдор саналади. *Иккинчидан*, муаллифлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан жиноий жавобгарлик фақатгина шахсий номулкий ҳуқуқларни қамраб олган бўлса, патент ҳуқуқи қисми эса махсус субъект фаолияти билан боғлиқ саналади [8]. Махсус субъект дейилганда, айнан ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасининг давлат экспертизаси билан шуғулланадиган мутахассислар, яъни ваколатли орган ходимлари тушунилади. Шунга кўра, айтиш мумкинки, 149-модда диспозициясининг иккинчи қисми бевосита саноат мулки объектларига тегишли ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Нима учун ушбу қисм индивидуаллаштириш воситаси, яъни товар белгисини қамраб олмайди? Агарда 149-моддага эътибор қаратсак, унда тафаккур мулк объектлари дейилган. Биламизки, товар белгиси интеллектуал салоҳият натижаси ҳисобланмайди. Шунга кўра, ушбу қисм фақатгина патент ҳуқуқи объектларига дахлдор деган фикрни илгари суриш мумкин.

Шу билан бирга, фикримизча ушбу модда Жиноят кодекси қабул қилган даврдан мавжудлиги ҳамда ушбу даврда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг рўйхатдан ўтказиш амалиёти мавжудлиги сабабли бевосита ушбу йўналишга ҳам дахлдор деган фикрни илгари суриш мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда ушбу моддани таҳрир қилиш вақти келди. Бунда ҳам худди маъмурий жавобгарлик каби, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, товар белгиси, саноат мулки объектлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб алоҳида моддаларда акс эттириш лозим саналади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик. Ушбу турдаги жавобгарлик хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишда мулк ҳуқуқларни жамоавий асосида бошқарувчи ташкилот билан ёки бевосита ҳуқуқ эгасининг ўзи билан шартнома тузган ҳолда фойдаланиши мумкинлиги белгилаб ўтилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилиниш усуллари белгилаб ўтилган бўлиб, унга кўра:

- ҳуқуқни тан олиш;
 - ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
 - битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
 - давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;
 - шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
 - бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
 - зарарни тўлаш;
 - неустойка ундириш;
 - маънавий зиённи қоплаш;
 - ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги. Бундан ташқари, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари Фуқаролик кодексининг 1040-моддасида ҳам ўз аксини топган.

Маълумки, агар низонинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмунини ташкил этадиган масала хусусий ҳуқуқий муносабатларга оид бўлса (фуқаровий ҳуқуқий муносабат), бундай ишлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига қараб фуқаролик (ишда иштирок этувчи шахслардан биттаси жисмоний шахс бўлганда) ёки иқтисодий (юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар) судларда кўриб чиқилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, бундай турдаги низоларга муаллифнинг ўз ҳуқуқларини фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилиш, лицензия шартномаси, учинчи шахсларнинг интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлиги натижасида етказилган зарарларни ундириш, маъмурий органлар ёки улар мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни ундириш, интеллектуал мулк объектларига бўлган меросга доир (меросхўрлар ўртасида) ишлар каби хусусий ҳуқуқий муносабатларга оид низолар киради.

Шу билан бирга, маълумки интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни судгача кўрувчи ваколатли орган тизимида Апелляция кенгаши мавжуд. Ушбу кенгаш ўз фаолиятида саноат мулки объектлари билан боғлиқ судгача бўлган

тартибдаги низоларни кўради. Кенгаш муаллифлик ҳуқуқи, хусусан ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари билан боғлиқ низоли ишларни кўрмайди. Кенгаш фаолияти бевосита ваколатли орган ҳаракатлари билан боғлиқ саналади.

Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиял органи сифатида амалга оширади [9]. Таъкидлаш лозимки, Апелляция кенгаши қарори юзасидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой мобайнида судга шикоят қилиниши мумкин. Аҳамиятлиси йилдан йилга ушбу кенгашга келиб тушаётган шикоят аризалари сони ошиб бормоқда, буни қуйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин.

1-жадвал

Апелляция кенгашига интеллектуал мулк объектларининг турлари бўйича келиб тушган апелляциялар ҳақида қиёсий маълумот

Саноат мулки объектларининг турлари	Миқдори				
	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Ихтиро	-	5	5	3	5
Фойдали модел	-	2	5	-	1
Саноат намунаси (дизайн)	5	3	3	2	3
Товар белгиси	25	46	36	42	122
Селекция ютуғи	-	-	-	-	1
Жами:	30	56	49	47	132

Албатта ваколатли органнинг суд жараёнларидаги иштироки бу ушбу йўналишдаги ҳуқуқий амалиётни оз бўлса-да, таҳлил қилиш ва ўрганишга ёрдам беради. Ўрганишларга кўра, 2021 йил давомида ваколатли орган вакиллари турли суд идораларида интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси бўйича бўлиб ўтган 213 та тергов ишида қатнашдилар. 127 та даъво аризасини кўриб чиқиш бўйича суд ишига ваколатли орган мустақил талаблар қўймайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинди. Интеллектуал мулк объектларининг кесими юзасидан судда ваколатли органнинг иштирокига доир жиҳатларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

2-жадвал

Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк департаментининг 2021 йилда суд мажлисларида иштироки

Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк департаменти	Интеллектуал мулк объектларининг турлари			
	Ихтиро	Товар белгиси	Саноат намунаси	Жами
Жавобгар	3	81	2	86
Учинчи шахс	-	127	-	127
Жами:	3	208	2	213

Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк департаментининг интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий мақомига доир чиқарган қарорлари ҳамда вазирлик ҳузуридаги Апелляция кенгаши қарорлари юзасидан судларга қилинган мурожаатлар ҳамда уларнинг натижаларини ҳам ўрганиш муҳим саналади. Ушбу кўрсаткичлар кейинчалик ваколатли органнинг ҳаракатларига берилган қайсидир маънодаги ҳуқуқий баҳо саналади. Бу судлар томонидан интеллектуал мулк йўналишидаги қонунларни қўллаш амалиёти нечоғлиқ йўлга қўйилганлигини ҳам таҳлил этишда муҳим восита саналиши мумкин.

3-жадвал

Адлия вазирлиги Апелляция кенгаши қарорларига эътирозларни 2021 йилда суд идоралари томонидан кўриб чиқиш натижалари

Интеллектуал мулк объектлари	Суд қарорларининг турлари			Даъво талабларидан кечилди
	Даъво талаблари қаноатлантирилмади	Даъво талаблари қисман қаноатлантирилди	Даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди	
Ихтиро	2	-	1	-
Саноат намунаси (дизайн)	-	-	2	-
Товар белгиси	73	-	8	-

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, ваколатли орган ва Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг 87,3 % қонуний деб топилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 февралдаги ЎРҚ–749-сон Қонуни билан “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунга саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартибига доир қўшимчалар киритилди [10].

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, эндиликда тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган маҳсулотни ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулда бевосита тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, патент эгасининг аризаси асосида ваколатли орган саноат мулки объектларидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аҳамиятлиси, айни юқоридаги қонуни билан молиявий жаримага доир қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонундан ҳам ўрин

олди. Унга кўра, товар белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки улар билан адаштириб юборадиган даражада ўхшаш бўлган бир турдаги товарлар учун белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жарималар миқдорлари ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида белгиланади.

Ҳуқуқ эгасининг аризаси асосида ваколатли орган товар белгисидан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига риоя этилишини текширишни амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишувга кўра қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади. Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, ваколатли орган жаримани ундириш тўғрисидаги даъво аризасини судга белгиланган тартибда беш иш кун ичида беради. Фикримизча, келгусидаги интеллектуал мулк ҳуқуқига доир муносабатларни рақамли муҳит қонун-қоидалари нуқтаи назаридан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистонда ҳам қонунчиликни такомиллаштириб бориш, амалиёт билан назарияни уйғунлаштириш талаб этилади [11].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О.Оқюлов. Ижодкор муаллифнинг иш берувчи ёки буюртмачи билан ўзаро муносабатларида муаллифлик ҳуқуқлари устуворлигини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юриспруденция. Ҳуқуқий илмий-амалий журнали. 2023 й. 1-сон. 54-б.
2. А.Юлдашов, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк, алоқа ва ахборот соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга доир нормаларни такомиллаштириш масалалари //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 58-64.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-534-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон. <https://lex.uz/docs/4320255#4320472>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.03.2022 й., 03/22/757/0181-сон. <https://lex.uz/docs/24925#25229>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–534-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон. <https://lex.uz/docs/4320255#4320472>

6. Ўзбекистон Республикаси “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.02.2022 й., 03/22/749/0101-сон. <https://lex.uz/docs/76671>

7. Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. https://wipolex-res.wipo.int/edocs/lexdocs/treaties/ru/wto01/trt_wto01_001ru.pdf

8. Юлдашов А., Чориев М. Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1/S. – С. 511-522.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 856-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.07.2022 й., 09/22/385/0643-сон. <https://lex.uz/ru/docs/4547018>

10. Ўзбекистон Республикасининг “Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.02.2022 й., 03/22/749/0101-сон. <https://lex.uz/docs/5849844?ONDATE=03.02.2022%2000#5849886>

11. Yuldashov A. Intellectual property law policy in Uzbekistan //Global Scientific Review. – 2023. – Т. 12. – С. 80-85.